
ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Аввал хабар бериб ўтганимиздек, Риштон туманида туризм ва спорт бўлими, БЎСМ ҳамда маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамкорлигида спортнинг шахмат тури бўйича 7-70 ёшгача бўлган ўсмир ва фахрийлар ўртасида "Ҳоким кубоги" мусобақаси бўлиб ўтди. Очiq осмон остида бўлиб ўтган мусобақада 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган шахмат ихлосмандлари ўзаро мусобақалашди. Уч кун давом этган мусобақада ғолиблар аниқланиб, бугун тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда туман ҳокими Суфҳонжон Солиев иштирок этди ва ғолибларни тақдирлади. Бу каби тадбирлар туман аҳолиси орасида ақл-идрок спорти – шахматнинг янада оммалашшига хизмат қилади.

2021-08-28 16:56:25